

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —
Ассалому алайкум, азиз мухитарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҶЛИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан яғонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 11 июн № 21 (8418)

Муҳим ахборотлар

Ғалла-2022

УЙИНГИЗГА БУҒДОЙ ТЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Давлат спорт-таълим муассасалари фаолиятини мутлақо янги тизим асосида ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Олий спорт маҳорати институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хизматлар кўрсатишни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Юртбошимиз “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.



Кафтида олтинранг бошоқларни тутган ғаллазорларда бугун ҳаёт қайнамоқда. Кузда она замин бағрига умид билан қадалган уруғ деҳқоннинг меҳнати, табиатнинг саховати, Яратганнинг марҳамати билан мўл-кўл донга айланиб, хир-

монларга тўкилмоқда. “Ғиштон-Чимкент” машина-трактор парки ҳудуддаги “Ҳамидуллаев Ризқитилла ери” фермер хўжалиги аъзолари ҳар йилгидек бу йил ҳам ғалладан баракали ҳосил етиштирдилар. Қўриқ шароитида 48,5 гектар

майдондан 175 тонна ҳосил йиғиб олишни кўзлаган миришкорлар маррадан хатлаб ўтдилар ҳисоб.

—Президентимизнинг “Ғалла ни етиштириш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғ-

рисида” шу йилнинг 28 майида қабул қилган қарорлари талабларидан руҳланиб янада самарали меҳнат қилишга интиляпмиз,—дейди фермер хўжалиги раҳбари Сайфулло Умаров.—Қарорга кўра буғдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш бўйича республикада ташкил этилган штаб зарур чораларни кўрадиган бўлди.

Бу меъёрий ҳужжат деҳқоннинг ҳам, истеъмолчининг ҳам манфаатини бирдай ҳимоя қилиши билан аҳамиятлидир.

Суратда: фермер хўжалиги раҳбари Сайфулло Умаров ҳосил чўғидан мамнун; хўжалик ғаллазорларида ўрим давом этмоқда.

Матн ва сурат муаллифи Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ.

Ахборот



САРҲИСОБ САБОҒИ

Халқимизда кейинги дадил қадамлар чилги ҳосилнинг салмоғига қараб ташланади, деган гап бор. Шу маънода туманимизнинг пилла хирмони бу йил чакки бўлмади. 316 та фермер хўжаликлари билан ички шартнома қилган заршунослар 2044 кутининг ҳар кутисидан салкам 57 килограммдан қимматбаҳо хом ашё териб олиб, 116 тонна пиллани “Нурли тонг силк” масъулияти чекланган жамиятига қайта ишлаш учун топширдилар.

Қисқа, лекин машаққатли мавсумда аксарият фермер хўжаликлари контрактация шартномаларини бажаришди. Ойбек Ғофуров, Наргиза Отақулова, Диёра Сафарова, Муҳаббатхон Мирзаева, Муҳаббатхон Султонова сингари фермер ва касаначилар ҳосилдорликда энг юқори натижага эришдилар. Очiq айтамыз, агротехника қоидаларига риоя қилмай, режани бажара олмаганлар ҳам бўлди.

Бир ой давомида қилган меҳнатлари эвазига 4800 қишлоқ аҳли бир йиллик иш стажига эга бўлди. Топширган хом ашёнинг ҳар килограмми учун 24,7 минг сўмдан, иш ҳақиға қўшимча яна беш минг

сўмдан тўланди. Бир ойлик мавсумда кўзланганидек хирмон кўтарган пиллакорлар ўртача тўрт миллион сўмдан даромад қилишди.

Ипак қурти озуқа базаси мустаҳкамланаётгани, пиллакорларга яратилаётган шароитлар тобора яхшиланиб бораётгани, иш ҳақи ўз вақтида берилаётгани учун биринчи-иккинчи мавсумни муваффақиятли ниҳоялаган пиллакорлар учинчи-тўртинчи мавсумда ҳам ипак қурти боқишга чоғланиб туришибди.

Авазбек МУҲАММЕДОВ, туман “Агропилла” масъулияти чекланган жамият раҳбари.

“Истиқбол йўли” таништиради:



ШАВКАТЖОН МАВЛОНОВ

Фарғона вилояти ИИБ Биринчи минтақавий ҳудуд туман ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди Ш. Мавлонов 1975 йилда Данғара туманида туғилган. ИИБ Тошкент Олий ҳарбий техника билим юртини битириб, меҳнат фаолиятини 1999 йилда Данғара тумани ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлини масъулиятлари вакили сифатида бошлаган. 2011 йилдан бошлаб Бағдод, Бувайда, Наманган вилояти Поп туманлари ички ишлар бўлимлари, 2018 йилдан Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси масъул лавозимларида фаолият кўрсатди.

Мазкур лавозимга тайинлангунга қадар Езёвон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари—жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи вазифасида ишлади, подполковник.

Оилали, уч нафар фарзанди бор, турмуш ўртоғи—хусусий тадбиркор.

УШБУ
СОНДА:

2

* Сиз томон юрсам гар
йўлим гуллайди
* Зикрилло муддатидан
олдин талаба бўлди

3

* Оқиб турган дарё
* Кенгаш раисининг қарори
* Эълонлар

4

Сабоқ бекати
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Жамоатчилик—қатта қуч

Ўша куни менман деган санъаткорларни-да лол қилган "Истиқлол" маданият марказининг кўркам саройи мўтабар, мунис оналар, туманимизнинг барча маҳаллаларидан ташриф буюрган хотин-қизлар, турли тоифадаги раҳбарлар билан гавжум бўлди. Муҳташам залга кирган одамнинг нигоҳи тўридаги "Оналарга эҳтиром" фестивалининг туман босқичи" ёзувига тушадиган йиғиннинг руҳиятини ҳис қилади. Бутун вужудидан меҳр ёғилиб турган момонинг тасвири бир лаҳза ўзига тортади. Наинки тасвир, олд қаторларда кўр тўкиб ўтирган ҳар бир онанинг борлигидан шукроналик таралиб тургандай. Улар туманининг турли жабҳаларида фидойилик билан меҳнат қилиб, шу азиз юрти учун муносиб фарзандлар улғайтирдилар. Авлодлари шу азиз юртимизнинг бирини икки қилиш учун у ёки бу жабҳада фаолият кўрсатмоқдалар.



расулова, Юлдузхон Худоёрова... улар шу давранинг ўзида юзлабдир бал-

почхон Иброҳимова "Энг яхши хунармандлар онаси", "Қийқи" маҳалласидан Ниго-

қаддамхон Ўрмонова "Энг намунали маҳалла отин-ойиси" сифатида эътироф

"Оналарга эҳтиром" фестивалининг туман босқичида

СИЗ ТОМОН ЮРСАМ ГАР ЙЎЛИМ ГУЛЛАЙДИ

ки. Зеро, онаки бор меҳри, яратувчанлиги, муҳаббати, фидойилиги билан оиласини, демалки жамиятини гуллатади. Шунинг учун ҳам турмушимизда файз бор, шунинг учун ҳам тинчлигимиз барқарор, тараққиётимиз бардавом.

Ҳамма жамул-жам бўлганда саҳнага давра бошловчилари Мунира Қўқонова ва Рустамжон Эргашевлар чиқиб, ўтказила-

ётган тадбирнинг моҳият эътиборига тўхталиб, номинациялар ғолибларини эълон қилдилар. Шундай қилиб, кўприкбошилиқ Муқаддасхон Исҳоқова "Энг яхши тадбиркорлар онаси", яна шу маҳалладан По-

рахон Каримова "Юрт ифтихорлари онаси", дўрмонлик Матлу-бахон Солиева "Энг маърифатли фарзандлар онаси", кумтепалик Мўтабархон Ҳожисолиева энг яхши ўқитувчилар, "Ватан" маҳалласидан Зиёдахон Назирова энг яхши шифокорлар, дўрмонлик Умулгулсун Шокирова энг яхши спортчилар, қамиштепалик Замирахон Холматова энг яхши ҳарбийлар, ғиштмонлик Маликахон Аҳмедова энг яхши санъаткорлар сулоалари оналари номинациялари бўйича тақдирландилар.

Янгиариқлик Мукаррам мо-мо Саиджонованинг "Юз билан юзлашган она" номинацияси бўйича эътироф этилгани эълон қилинганда зални гулдурас қарсақлар тутиб кетди. Халқободлик Рўзиҳон Юсупова "Олимлар сулоласи онаси", "Карнайчи" маҳалласидан Му-

этилган бўлсалар, туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Ёркиной Қосимо-

ва "Энг яхши сурат муаллифи", 1-ИДУМИ, 37-мактаб тарғиботчилари Мунира Қўқонова ва Фотима Ўқтамовалар "Энг яхши бағишлов шеър", "Энг яхши блогер" йўналишларида тақдирландилар. Умуман, эътироф этилганлар 27 нафар. Уларнинг барчасига Ташаккурнома, эсдалик совғалари, гулдасталарни ҳоким Илёсбек Новиков билан биргаликда "Маданият қарвони"да туманимизга ташриф буюрган машҳур санъаткорлар, шоирлар тақдим этганлари ўзига хос унутилмас таассурот қолдирди.

Эҳтиром тадбирида таниқли санъаткор Муҳаббат Абдуллаева, Гуласал Абдуллаева, Абдулхай Каримов, Умид Шаҳобов, шоир Рустам Муслмон энг сара кўшиқ ва шеърларини оналарга армуғон этдилар. Шўхчан кўшиқлар давра аҳлини рақсга чорлаб турди.

—Оналар кўнгли икки оғиз ширин сўзга тоғлар қадар юксалади,—дейди "Энг маърифатли фарзандлар онаси" номинациясида эътироф этилган Матлубахон Солиева.—Бугун бизга қанча таъриф-у, тавсифлар бўлди. Бу эъзозлар умримизга-умр кўшгани рост. Инсон қадри улуғланадиган шундай юртда яшаётганимизга шукроналар айтмай бўладими?!

Оналар, даста-даста гул тутган онажонлар, сиз борсизки, ҳаётимиз чароғон, сиз томон юрсак гар йўллар



гуллайди, гўё. Умрингиз зиёда, фарзандларга, эл-юртларга сўраётган тилақларингиз мустажоб бўлсин!

Ҳадичахон КАРИМОВА, Илҳомжон СОБИРОВ
Ушбу суратлар Ёркиной ҚОСИМОВА томонидан тасвирга туширилди.



Файрати, салоҳияти, маънавияти, тадбиркор-у ташаббускорлиги билан менман деган эркаклардан қолишмай иш юритган Насибахон Топволдиева, Кароматхон Умматқулова, Дилоромхон Фафурова, Робахон Абду-

Битирувчи-2022

ЗИКРИЛЛО МУДДАТИДАН ОЛДИН ТАЛАБА БЎЛДИ

86 минг АҚШ доллари ҳисобида грант ютиб олган битирувчимизга Англия, Америка олий ўқув юртларидан таклифномалар келди



Тўғриси, 78 битирувчимиз орасидан Зикрилло Соиббоевнинг билимга чанқоқлиги, тиришқоқлиги, олдига мақсад қўйиб, унга етиш учун интилишдан чарчамаслиги туфайли эришган бу улкан натижа бутун

жамоамизни фахрлантирди. Бу, туманимиз таълими соҳасида ҳам унутилмас воқеа бўлди. Фахрланмай бўладими, оддий қишлоқ оиласининг боласи Тошкентда бўлиб ўтган синовларда муваффақиятли иштирок этиб, шунча салмоқли грантга эга бўлди! Бунда албатта, Зикриллога ҳам мактабда, ҳам дарсдан ташқари олган пухта билими кўп келди. Битирувчимизнинг ютуғида инглиз тили ўқитувчиси Абдувоҳид Қурбонов, математика устозлари Фозилхон Акбаров, Ўғилчахон Эргашева, она тили муаллими Нурмуҳаммад Эргашевларнинг хизматлари беқиёсдир.

Грант ютуғидан хабардор бўлган чет элларнинг энг нуфузли олий билим даргоҳларидан Зикриллога таклифномалар келди. Битирувчимиз ўз хоҳишига кўра, чет элнинг истаган билим даргоҳига кириб ўқиш имкониятига эга бўлди, яъни у муддатидан

илгари талабалikka эришди. У келажакда Америкада ўқиб, журналист мутахассислигини эгаллашга қарор қилди. Мактабимиз жамоаси нуфузини оширган битирувчимизга мақсадига эришиб, она Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишини, бахтига онажони саломат бўлиб, унинг бахту камолини кўришини тилаймиз.

Қувонарлиси, битирувчиларимиз орасида иқтидорлилар тобора кўпайиб бормоқда. Мадинахон Собирова ҳам деярли талабалikka яқин турибди. Гап шундаки, у инглиз тили бўйича IELTS йўналишида 6-даражани кўлга киритди. Демак, у инглиз тили мутахассислиги учун талабалikka киришни кафолатлаб олди, десак бўлаверади. Яна бир ўқувчимиз—Саидяхон Эминова рассомчилик бўйича халқаро онлайн танловида миллийлигимиз акс эттирилган асари

билан қатнашиб, биринчи ўринни кўлга киритди. Зарина Акбарова, Муҳтарам Маматова, Муҳаммадрўзи Деҳқонов, Зебо Жумабоева сингари ўқувчиларимиздан ҳам умидимиз катта. Умуман, бу йил олий таълимга қамров бўйича юқори натижа кўрсатишимиздан умидвормиз.

Жамоамиз тегишли мутасаддилар билан ҳамкорлик қилиб, олий таълимга кира олманган, ўзини ўзи иш билан банд этиш имконияти бор, касб-хунар эгаллаган ҳар бир битирувчимизнинг яқин келажакда иш билан бандлиги таъминланишига эришиш учун ҳаракат қилади. Мақсадимиз даргоҳимиздан катта ҳаёт йўлига чиққан ҳар бир йигитқиз ўз ўрнини эгаллаб, оиласига, жамиятга наф келтирсин.

Гулнорахон ЭРГАШЕВА,
11- ихтисослашган давлат умумтаълим мактаби директори.

Тўйхат ўрнида

- Туманимиз санъатсеварлари орасида Азимжон Турғуновни танимайдиганлар топилмаса керак.
- Умрининг қирқ йилдан зиёдини қишлоқ аҳлига маданий хизмат кўрсатишга бағишлаган устоз олтмиш ёшни қаршилаганига ишонгинг келмайди. Чунки у ҳамиша давраларни чақмоқдек ёритиб, шижоати, изланишдан чарчамаслиги билан ёшларга намунадир.

ОҚИБ ТУРГАН ДАРЁ

Санъат йўлига ҳаваскор сифатида кириб келганида Азимжон ҳали ўқувчи эди. Байрам тадбирларида ижодкорлар сафида саҳнага чиққанида одамларнинг санъатга, маданиятга ишқибозликларини кўриб, шу соҳага янада боғланиб қолди. Мактабни битириб, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўқиб, туманга малакали мутахассис бўлиб қайтди. Меҳнат фаолиятини Йўлдошбоддаги қишлоқ клуби мудирлигидан бошлаган устоз марказий маданият уйи методисти, директори, бадиий ҳаваскорлик йўналишлари услубчиси, “Кабутар” халқ этнографик жамоаси бадиий раҳбари ва ҳоказо лавозимларда сидқидилдан меҳнат қилди. Айни пайтда устоз туман маданият марказининг Қумтепадаги филиали мудир бўлиб ишламоқда. Маълум давр Олтиариқ тумани санъаткорлари сафида ҳам фаолият юритди.



—Санъатнинг сеҳрли олами гаштини унда яшаб кўрган одамгина ҳис қилади,— дейди устоз тақдирига битилган касбидан мамнун бўлиб.—Бу оламда кимлар билан рўбарў бўлмадик, кимларнинг дуоларини олмадик, дейсиз. Зайлобиддин Юсупов, Эргаш Каримов, Ҳасан Йўлдошев, Қобилжон Юсупов, Солижон Маматов, Мамасиддиқ Ширяевлар дуоларини олдик, айримлари билан катта саҳнада бирга ижод қилдик. Халқимизга маданий ва маънавий мадад бўлаётганимдан бахтиёрман.

Дарҳақиқат, устознинг вилоятимиз, туманимиз маданияти фидойиси, халқ ансамбли номига муяссар бўлган “Кабутар” этнографик дастаси асосчиси Ортиғали Аҳмедов билан ҳамкорликда яратган сермазмун концерт дастури Ўзбекистон Республикаси халқ ижодиёти олтин фондидан муносиб жой олиб, у бир неча йиллардан буён Наврўз айёмларида республика телевидениеси орқали намоиш этиб келинмоқда. Азимжон устоз Юсуф қизиқ, Охун қизиқ, Хўжа Насриддин образларини саҳнада ишонарли гавдалантириб, томошабинлар меҳрини қозонганини яхши билламитиз. “Афанди қишлоқ кез-

ганда” деб номланиб, одамлар тили учидан турган ижтимоий муаммоларни кўтарган, ҳал этишга кўмаклашган театрлаштирилган томошалар жамоаси, бош ролининг ижрочиси Азимжон Турғунов бўладилар, бутун мамлакатимиз бўйлаб назарга тушганди. Ўшанда қишлоқларимиз ободлигига доғ бўлиб тушаётган, турмуш маданиятига салбий таъсир этаётган ўнлаб муаммолар афандининг юмористик кинолари орқали кўтарилиб, одамлар ғашини келтириб турган камчиликлар бартараф этилишига эришилганди.

Азимжон Турғунов “Кабутар” таркибида 2004 йили “Бойсун баҳори”, 2007 йили Самарқанднинг 2700 йиллиги, 2012 йили Тошкентда ўтказилган “Кўҳна замин оҳанглари”, 2019 йили Марғилонда ташкил этилган “Буюк ипак йўли” ва бошқа фестивалларда қатнашиб, совриндор, Кўқон ва Марғилонда уюштирилган “Аския ва қизиқчилик” кўрик-танловларида жамоа билан иштирок этиб, лауреат бўлди.

Устозга қараб туриб, у кишини мавжланиб оқаётган дарёга қиёслагим келади. Зе-ро, бу “дарё”нинг ҳаётбахш неъматлари—бой тажрибаларидан ҳали жуда кўплаб шогирдлар баҳраманд бўладилар. Ўзида бори истеъдодини ёшларга “юктириш”дан лаззатланадиган устозга бўлим жамоаси, қасаба уюшмаси номидан оилавий саодат, мустақам саломатлик, ижодий фаолиятида янада катта ютуқлар тилаймиз. Умрингиз зиёда бўлсин, устоз!

Салоҳиддин МАДУМАРОВ,
туман маданият бўлими ходими.

E' LON

Tumandagi 47-umumta'lim maktabi tomonidan 2005 o'quv yilida Iminova (G'oyibova) Feruza Roziqovnaga 11-sinfni tamomlagani to'g'risida berilgan № 0013242 raqamli attestat yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI**

XALQ DEPUTATLARI QO'SHTEPA TUMANI KENGASHIGA SAYLOV O'TKAZUVCHI TUMAN SAYLOV KOMISSIYASINING TARKIBIGA O'ZGARTIRISH KIRITISH TO'G'RISIDA

2022 yil 6 iyun

VI-53-51-11-157-K/22

Qo'shtepa tuman hokimligi

O'zbekiston Respublikasi “Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida” gi Qonunining 6, 24-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi “Saylov kodeksi” ning 19-moddasiga asosan xalq deputatlari tuman kengashi

QAROR QILADI:

1. Xalq deputatlari tuman Kengashining 2022-yil 25-fevraldagi VI-52-27-11-157-K/22-sonli qaroridagi xalq deputatlari Qo'shtepa tumani Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasining tarkibiga o'zgartirish kiritish orqali tuman komissiyasining yangilangan tarkibi tasdiq-

langanligi ma'lumot uchun qabul qilinsin.
2. O'zbekiston Respublikasi “Saylov kodeksi” ning 25-moddasiga asosan xalq deputatlari tuman Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasi tarkibiga o'zgartirish kiritilsin.

Quyidagilar komissiya tarkibidan chiqarilsin:

№	F.I.Sh	Ish joyi va lavozimi	Komissiyadagi vazifasi
1.	Xamidov Anvarjon Muxammadjonovich	Qo'shtepa tumani Adliya bo'limi boshlig'i	komissiya a'zosi
2.	Xalilova Soxibaxon Sodiqjanovna	Qo'shtepa tumani 7-maktabgacha ta'lim tashkiloti mudirasi	komissiya a'zosi
3.	Xamdamova Shohida Maxamadsoliyevna	Qo'shtepa tumani maktabgacha ta'lim bo'limi davlat va nodavlat maktabgacha ta'lim muassasalarini takomillashtirish shobasi mudiri	komissiya a'zosi
4.	O'raqov Muxamadali Sirojiddinovich	Qo'shtepa tumanidagi 6-umumta'lim maktabi tarix fani o'qituvchisi	komissiya a'zosi
5.	G'aniyev Dostonbek Abdisattor o'g'li	Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Qo'shtepa tumani bo'linmasi rahbari	komissiya a'zosi
6.	Raximov G'ayratjon Muxtorovich	Qo'shtepa tumani bo'yicha g'aznachilik bo'linmasi boshlig'i	komissiya a'zosi

Quyidagilar komissiya tarkibiga kiritilsin:

№	F.I.Sh	Ish joyi va lavozimi	Komissiyadagi vazifasi
1.	Sidikov Alisher Muxamadaminovich	Qo'shtepa tumani Adliya bo'limi boshlig'i v.v.b	komissiya a'zosi
2.	Maxmudova Iqbolxon Baxodirovna	Qo'shtepa tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri	komissiya a'zosi
3.	Mo'minov G'olibjon G'anijon o'g'li	Qo'shtepa tumani Axborot-kutubxona markazi rahbari	komissiya a'zosi
4.	Yusupova Davlatxon Nomonovna	Qo'shtepa tumani “Dehqon bozori” mas'uliyati cheklangan jamiyati boshqaruv raisi	komissiya a'zosi
5.	Xusanova Tursunoy Sattorovna	Qo'shtepa tumani Langar mahalla fuqarolar yig'ini raisi	komissiya a'zosi
6.	Nabieva Mamlakat Raximovna	Qo'shtepa tumani 1-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti direktori	komissiya a'zosi

3. Xalq deputatlari tuman kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasining quyidagi yangilangan shaxsiy tarkibi tasdiqlansin:

№	F.I.Sh	Ish joyi va lavozimi
Komissiya raisi		
1.	Tojiboev Rasuljon Abdullayevich	Qo'shtepa tumani 15-son bolalar musiqa va san'at maktabi direktori
Komissiya raisining o'rinbosari		
2.	Murodov Oybek Axmadjonovich	Qo'shtepa tumani tibbiyot birlashmasi boshlig'i
Komissiya kotibi		
3.	Mamazoxidov Qobuljon Karimovich	Qo'shtepa tumani hokimligi huzuridagi ijtimoiy ko'nikma markazi mutaxassisi
Komissiya a'zolari		
4.	Karimov Jo'raboy Soliyevich,	Qo'shtepa tumani Mahalla va nuroniyalarni qo'llab-quvvatlash bo'limi boshlig'ining Nuroniyalar masalalari bo'yicha maslahatchisi
5.	Akbarov Ibroximjon Tulqinovich,	Qo'shtepa tumani Moliya bo'limi mudiri
6.	Sidikov Alisher Muxamadaminovich	Qo'shtepa tumani Adliya bo'limi boshlig'i v.v.b
7.	Maxmudova Iqbolxon Baxodirovna	Qo'shtepa tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri
8.	Mo'minov G'olibjon G'anijon o'g'li	Qo'shtepa tumani Axborot-kutubxona markazi rahbari
9.	Yusupova Davlatxon Nomonovna	Qo'shtepa tumani “Dehqon bozori” mas'uliyati cheklangan jamiyati boshqaruv raisi
10.	Xusanova Tursunoy Sattorovna	Qo'shtepa tumani Langar mahalla fuqarolar yig'ini raisi
11.	Nabiyeva Mamlakat Raximovna	Qo'shtepa tumani 1-sonli maktabgacha ta'lim tashkiloti direktori

4. Ushbu qaror Xalq deputatlari tuman Kengashiga saylov o'tkazuvchi tuman saylov komissiyasiga yuborilsin.

5. Kengash qarorining bajarilishini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining “Reglament va deputatlik odobi masalalari” doimiy komissiyasi raisi Sh.Sharopov zimmasiga yuklansin.

6. Qaror matbuotda e'lon qilinsin.

Kengash raisi

I. NOVIKOV

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Сизлардан бирингиз тобут кўрса ва у билан кетмаётган бўлса, тобут уни орқада қолдиргунча ёки ўзи орқада қолгунча ёхуд орқада қолдиришдан олдин ерга қўйилгунча тик турсин.

Бухорий ва Муслим ривояти.

Аллоҳдан бирор нарса сўрасангизлар, қафтларингизнинг ичи билан сўранг. Устида сўраманглар ҳамда кафтингизнинг ичини юзингизга суртмагунингизча туширманглар. Ана шундай қилсангиз, Аллоҳ унда барака барпо этади.

Абу Довуд ривояти.

Агар яхшилигинг сени хурсанд қилса, ёмонлигинг хафа этса, демек, сен мўминсан.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу)дан. Зиё ривояти.

**“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022 йил.**

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ЯХШИ КИШИЛАР СУҲБАТИ ФАЗИЛАТНИ ОШИРАДИ

Нодон суҳбатидан айласанг ҳазар,
Вужудингга асло етмагай зарар!
“ОТАЛАР СЎЗИ”.

Ўзингни ёмон кишилар суҳбатидан узоқ тут, чунки ёмон кишилар суҳбати жаҳаннам ўтидан ҳам ёмонроқдир. Ҳар суҳбатнинг бир таъсири бўлади. Чунончи, яхши кишилар суҳбати фазилатни оширсан, ёмон кишилар суҳбати заҳматни оширади.

Муҳаммад ҲУСАЙН.

Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилдиради. Ёмон феъллик ва фасод табиатлик кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабиҳ иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар суҳбати орасидаги фарқ ва улар билан қилинган суҳбат таъсири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй ҳидларни олиб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтиб қолса, муаттар исларни келтиради.

Мажидиддин ХАВОФИЙ.

Суҳбатдошнинг фикри ўз суҳбатдошига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам донолар: “Ўрик ўрикни кўриб ранг олади” деб айтганлар.


Яхшиларнинг суҳбати
шодон қилур,
Кўр, қизил гул боғ ичин
хандон қилур!

Эй азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан суҳбатдош бўлишга интил, нодон ва бадният кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма. Сен яхши дўстлар топишга урин, улар сени ҳар доим қўллаб-қувватлайдилар.

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

Эй биродар, мунофиққа
бўлма улфат,
Ким улфатдур боши узра
юз минг кулфат.
Аҳмад ЯССАВИЙ.

Бир ҳаким ўз фарзандига насихат қилиб дерди: “Ҳар ким билан суҳбатдош бўлсанг, унга дарҳол дўстлик сўзларини изҳор қилма. Синалмаган кишига ишониб бўлмайди. Орадан вақтлар ўтиб, эътиборингга лойиқ бўлса, дўстликка арзиса, унга яқинлаш ва барча ишда унга ёрдам қўлини чўз.
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.
“Машиқзамин—ҳикмат бўстони”дан.
“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти.



Табиатнинг ўзи мусаввир

Ақл-ақлдан қувват олар

МЕҲНАТНИНГ НОНИ—ШИРИН

“Ош-нон, мол-мулк, пулу маблағ, умуман ҳар қандай моддий бойлик ҳам кишининг қўлига осонгина, ўз-ўзидан, текиндан-текинга кирмайди. Уларга эришмоқ учун ҳаракат қилиш, меҳнат машаққатларини тортиш, елиб-югуриш, жон койитиш керак бўлади”, деган маънода айтилади. “Осон ош қайда?!” “Осмондан чалпак ёғмас”, “От суринмай йўл топмас, эр суринмай мол топмас” (суринмоқ—қийналиб, мункиб-сункиб, қоқилиб-суқилиб, туртиниб юрмоқ), “Офтоб тегмай, олма пишмас”, “Осон ишда лаззат йўқ”, “Меҳнатнинг нони—ширин”, “Ҳалол иш—лаззатли емиш”, “Меҳнатнинг қаттиқ бўлса, тотганинг тотли бўлар” ва бошқалар.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

Менинг фикрим

ЖАМОАТЧИЛИК—КАТТА КУЧ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган ҳозирги шароитда жамоатчилик назорати бағоят аҳамиятлидир. Бу, демократиянинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касба уюшмалари сингари фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур тизимнинг энг долзарб ва самарали бўлиши маҳаллаларда шаклланишда десак, хато бўлмайди. Негаки, ушбу масканда фаолият олиб борувчи профилактика инспекторларида

жамоатчилик билан ҳамкорлик имкони юқоридир. Қолаверса, бу—эҳтиёж. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла фаоллари ва кайвонилар билан баҳамжиҳатликда иш олиб бориш натижа бериши бегумон. Уларнинг ёшлар тарбияси бобидаги асрий анъана ва қадриятларимизга асосланган ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш, насихат ва ўғитларини кенг тарғиб қилиш жуда муҳим. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларига биноан ҳар бир маҳаллага ҳуқуқ-тартибот вакиллари тайинланишидан ана шу мақсадлар кўзланган.

Сўнги пайтларда ўсмирлар ва ёшлар ўрта-

сидаги жиноятчилик нисбатан ортиб бораётгани сабабларидан бири жойларда жамоатчилик билан ишлаш етарли йўлга қўйилмаганлигидандир, назаримизда. Биз, кичиклар доимо катталарнинг йўл-йўриқларига муҳтожмиз. Ҳозирги даврда оилавий муҳитда аксарият ота-оналар турмуш-тирикчилик ташвишлари билан банд бўлиб, фарзанд тарбиясига кераклича эътибор қарата олмаётгани кузатилмоқда. Шундай экан ёшларни, хулқи жиҳатидан рўйхатга олинган йигит-қизларни жамоатчилик ёрдами билан тўғри йўлга бошлаш, улар онгига халқимизга хос бағрикенглик ва меҳр-оқибат фазилатларини сингдириб боришда инспек-

торларнинг роли беқиёс. Бу эса фақат жамоатчилик билан изчил ҳамкорлик орқали амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, миллатимизнинг тарбияга доир бебаҳо хазиналаридан тўғри фойдаланиш, юрт осудалигини таъминлашда жамоатчиликнинг ҳиссасини ошириш керак ва бу борада мутасаддиларнинг масъулияти айна пайтда ҳар қачонгидан ортганини ҳар қадамда ҳис қилсак, натижага эришамиз, деб ҳисоблайман.

**Шохруҳ
МАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон
Республикаси Ички
ишлар вазирлиги
академияси курсанти,
сафдор,
“Шодлик” МФЙ.**

Билиб қўйган маъқул

ФАОЛ ҲАРАКАТДА БЎЛИНГ

Бир жойда узоқ вақт ўтириб ишлаганда умуртқага анча юк тушади. Айниқса бел соҳаси умуртқадаги энг заиф жой бўлиб, ўтирган пайтда оқори босим айнан бел қисмига тўғри келади. Киши доим фаол ҳаракатланиб турмас экан, ахвол жиддий тус олиши, кейинчалик умуртқа диски чурраси пайдо бўлиши мумкин.

Стулда нотўғри ҳолатда ўтириш кўпинча умуртқага боғлиқ муаммоларга олиб келади. Мунтазам равишда компютерда ишловчи кишиларда оғриқ одатда ўнг томонда бўлади, чунки қўлнинг доимий тарзда “сичқонча”ни ушлаб, тананинг бироз ўнг томонга қийшайиши бунга сабабчидир. Хасталик ривожланиб кетишининг олдини олиш учун бир қанча тавсияларга амал қилган маъқул.

Жисмоний фаолликни кучайтириш. Вақти-вақти билан ўрингиздан туриб, йўлак бўйлаб ёки зинапоялардан юринг. Кун давомида енгил жисмоний машқлар (қўлларни юқорига кўтариб олдинга чўзиш, оёқ бармоқларини қимирлатиб, бошни ўнг ва сўл томонларга буриш) ни бажаринг. Ҳар куни бир неча маротаба ўтириб-туриш машқи билан шугулланинг. Мутахассислар таъкидлашича, киши ҳар соатнинг ўн дақиқасини юришга ёки бошқа жисмоний ҳаракатларга бағишласа, бир жойда ўтириб ишлашнинг зарарли оқибатлари саломатликка камроқ зиён етказар экан.

Иш жойида жисмоний машқларни бажариш, айниқса, муҳим саналади. Масалан, сизда бўйин зўриқиши ва бош оғриқлари пайдо бўлса, унда ўзингизни гўё қалам тишлаб олгандай тасаввур қилинг ва ҳавода йирик ҳарфлар билан алифбоддаги ҳарфларни “ёзиб чиқинг”.

Иш ўрингизни тўғри ташкил этинг. Биринчи навбатда кресло ҳамда тегишли баландликдаги столни тўғри танланг. Улар фаол машқларнинг ўрнини боса олмасан ҳам, умуртқага тушадиган юкламани қисман камайитиришга ёрдам беради.

“Сихат-саломатлик” журналидан.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:
ҚЎШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3100
нужада чоп этилди.
Бахоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 398

Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 177 2010 9253 07